

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

№ \_\_\_\_\_

**1. Loyihaning turi:** Shartnoma

**2. Loyihaning nomi:** Pudrat shartnomasi

**3. Loyerha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:** Mazkur loyerha Urganch shahar obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan ishlab chiqilgan va huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 2022-yil 06-sentyabr kuni "E-huquqshunos" elektron tizimi orqali Urganch shahar yuridik xizmat ko'rsatish markaziga yuborilgan.

Shartnoma loyerhasi amaldagi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, O'zbekiston Respublikasi 29.08.1998-yildagi 670-I-son "Xo'jalik yurituvchi subektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonun va boshqa normativ-huquqiy hujjatlar asosida huquqiy ekspertiza qilindi.

**Loyerha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.**

Markaz bosh yuriskonsulti:

2022-yil 07-sentyabr



Sh.Razzaqov

**PUDRAT SHARTNOMASI**  
**№ - ШИЙ-4 - сонли**

8«9»2022 yil.

**156-12-180-OB/2022-son**

Кейинги ўринларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 февралдаги №-49-сонли қарорига асосан «Буюртмачи» деб юритиладиган «Урганч шахар Ободонлаштириш бошқармаси» номидан Низом асосида иш юритувчи бошлиғи А.Эрниязов бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Архитектор Қурувчи» ХК номидан Устав асосида иш юритувчи У.Рўзметов иккинчи томондан “Хоразм вилояти Урганч шахар замахшарий кўчаси йўлини жорий таъмиrlаш (1,414км)” обьекти бўйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

**I. ТАЪРИФЛАР**

1. Мазкур шартномада кўйидаги таърифлар кўлланилади;

**-ижро хужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда обьект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда кўлланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатларни;

**-курилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**-вақтингчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган хар қандай типдаги вақтингчалик бинолар ва иншоотлар;

**-беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**-шартнома нархини бўлиб чиқиши** – ишларнинг хар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган холда шартнома бўйича обьектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

**II.ШАРТНОМА МАВЗУСИ.**

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ “Хоразм вилояти “Хоразм вилояти Урганч шахар замахшарий кўчаси йўлини жорий таъмиrlаш (1,414км)” обьектни кўзда тутилган лойиха бўйича жорий таъмиrlаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмиrlаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.**

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажариладиган, электрон танлов натижасида (2022 йил “30” августдаги № 41858-сон) баён билан аниқланган танлов комиссияси томонидан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва ҚҚС билан бирга пудратчининг бошқа харажатларини ўз ичига олган холда жорий нархларда 828 778 044 (Саккиз юз йигирма саккиз миллион етти юз етмиш саккиз минг қирқ тўрт) сўмни ташкил этади. Шундан 828 778 044 сўм маблағ 2022 йилда молиялаштирилади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, кўйидаги холлар бундан мустасно:

- қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда;

- ишлар қиймати Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

- Вазирлар Маҳкамаси қарори ва баёнларига асосан обьектнинг қурилиши бир йилдан ортиқ муддатга ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **IV . ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартноманинг 1-иловага мувофиқ иш бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишларни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ ижро хужжатларини тўлиқ топширади;
- «Пудратчи» шартноманинг умумий кийматидан 20%га тенг бўлган айланма маблағини бюджет танқислиги сабабли аванс тулови ёки жорий молиялаштиришлар 60 кунгача кечикганда мазкур шартномада кўзда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.
- курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникалари, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлашни таъминлайди;
- курилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар куриш;
- Буюртмачи билан пудрат ташкилоти шартномалари тузилиши давомида субпудратчиларни келишиши, шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;
- курилиш майдонида техника хавфсизлиги, огохлантирувчи йўл белгиларини, ишларни бажариш вақтида атроф мухит, ўтказилган дараҳтлар ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлайди, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;
- курилиш майдони кўриқланишини таъминлаш;
- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиб беради;
- Объектни суғурта ташкилотлари билан объектни суғуртаси тўғрисида шартнома тузади ва суғурта шартномаси билан суғурта полисини буюртмачига тақдим қиласди.
- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда обьектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

9. Пудратчи обьектда тўлиқ иш ҳажмларини тугаллаб, охирги ҳисоб-фактура(Ф-3), ижро хужжатларини ўрнатилган тартибда тақдим қиласди санадан 3 кун муддатда обьектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига хат орқали муроажат қиласди.

10. Пудратчи обьектни фойдаланишга қабул қиласди далолатномаларини ишчи комиссия аниқлангандан кейин 5-кун муддатда, лекин жорий йилнинг 20-декабр санасидан кечикмаган ҳолда Буюртмачига олиб келиб топшириш мажбуриятини олади. Шартноманинг амал килиши муддати **2022 йил 31 декабргача**.

#### **V. БУЮРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли бўлган қурилиш майдонини обьект курилиши ва курилиш тугаллангунгача бўлган даврга далолатнома бўйича Пудратчига топширади;
  - ишлар бажарилиши устидан доимий йўл-курилиш ишлари сифатини Пудратчи томонидан тақдим қилинган лаборатория хulosасига асосланган ҳолда назорат қиласди, тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
  - Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қиласди;
  - молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
  - Пудратчига ишларни қабул қиласди учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим қиласди;
12. Буюртмачи мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятларини олади;
13. Буюртмачи мазкур шартномада кўзда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

## **VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.**

14. Шартномани томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради.
15. Пудратчи мазкур шартномага 1 иловасига асосан қилинган ишларни бажариш жадвалига мувофиқ иш-хажмларини бажаради.
16. Танлов натижаси бўйича аникланган куришишнинг давом этиши вакти ишлар бошланган кундан эътиборан **20** календан кунини ташкил этади.
17. Мазкур шартнома бўйича жорий таъмирлаш ишларининг муддати ҳамда бажариладиган ишлар, ишларни бажариш жадвали 1-иловасига мувофиқ амалга оширилади.

## **VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ – КИТОБЛАР**

18. Шартнома бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар миллий валюта - «сўмда» амалга оширилади.
19. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича объектнинг умумий қийматидан **30** фоизи микдорида аванс ўтказади.
20. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш мақсадли берилган маблағлар уч банк кун ичида 2 иловага мувофиқ молиялаштирилади.
21. Буюртмачи тамонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар хажми қабул қилингандан кейин хақиқий бажарилган ишлар қийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб қолган холда молиялаштирилади лекин охирги ҳисоб-варақ-фактура қолган авансни қопланмаган қисми ушлаб қолинади.
22. Пудратчининг ҳисоб рақамига тушадиган маблағлар ушбу объект қурилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект қурилишига зарур бўлган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга хақ тўлаш, объект қурилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тўлаш учун ва ушбу объект қурилишининг бошқа харажатларига қатъий сарфланади.
23. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний ҳисоб-китоб учун, бажарилган қурилиш-монтаж ишларини микдори Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзоланган «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома-ҳисоб-варақ-фактура» асос бўлади.

## **VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.**

24. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – техник кузатувчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар устидан техник назоратни ва пудратчининг лаборатория хulosасига асосан амалга оширади ва Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг лойихасмета хужжатларига мувофиқлигини текширади.
25. Техник назоратчи ишлар бажарилиши ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш хукуқига эгадир.
26. Техник назоратчи пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўладиган масалаларни ҳал қилиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда қатнашади.
27. Пудратчи жорий молиялаштириш учун ҳисобот ойнинг охирги кунигача ва якуний молиялаштириш ҳисоб китоби учун қурилиш монтаж ишлари микдори, харажатлари тўғрисидаги «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома ҳисоб-варақ-фактурани» ўзи тузиб тақдим қиласди. Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг микдори ва сифати Пудратчининг лаборатория хulosасига асосан харажатларни текшириб қабул қилиб имзолайди.
28. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг V-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишида ташкил этади.
29. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиҳдий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишиларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.
30. Агар Буюртмачи Пудратчи ёки унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан қурилиш қийматини кўпайтирмасдан иш-хажмларини зарур сифатини таъминлаш учун келишишлган муддатда қайта бажаришга мажбурдир. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишида кўрсатилган камчиликларни 10 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## **IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.**

33. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг

бажарилишига бевосига таъсири этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал қилган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

34. Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини мухокама қиласидар.

35. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор қилинишини талашиб қилишига хақлидир.

## X. КАФОЛАТЛАР.

36. Пудратчи:

- барча ишларни тўлиқ хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиха хужжатларига хамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;
- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларидан кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишининг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нўқсонларни ўз вақтида бартараф қилиши;
- объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини;

Мавжуд нўқсонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нўқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% миқдорида жарима солиш хукуқига эга.

## XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИШ.

37. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;
  - ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
  - Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талашиб қилиш хукуқига эга.

38. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан икки ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
  - Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талашиб қилиш хукуқига эга.

39. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

40. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

41. Шартнома бекор қилинган тақдирда айборд томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

42. Шартноманинг бир томонлами бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

## XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

43. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айборд томон: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида» ги қонунида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 апрелдаги № 206-сонли қарори билан, бошқа қонун

хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи тамонга етказилган заарларни қоплайди.

44. Мазкур шартномада кўзда тутилган ва тегишили иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Пудратчи олдида куйидаги ҳолларда жавобгар бўлади ва:

- белгиланган муддатда объектни иш бошлиш учун пудратчига топширмаса далолатнома бўйича бунинг оқибатида ишларни бажариш жадвалида бажариш кўзда тутилган ишларнинг бажарилмаган қисмининг 5% миқдорида жарима тўлади;

- буюртмачининг ғазна хисоб рақамига мақсадли молиялаштириш учун тушган пул маблағларини уч банк кунида сабабсиз пудратчининг хисоб рақамига ўтказиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 5% миқдорида жарима тўлади;

- шартномага мувофиқ ишларни бажариш жадвали бўйича бажарилган ишлар хажмини асоссиз равишда қабул қилиб тасдиқлашдан бош тортгани учун ушбу қабул қилиш, тасдиқлашдан бош тортган сумманинг 5% миқдорида жарима тўлади;

- шартнома шартларига мувофиқ тайёр ҳолда қабул қилиш учун тақдим қилинган объектни асоссиз равишда қабул қилишдан бош тортса шартнома қийматининг 5% миқдорида жарима тўлади;

45. Мазкур шартномада кўзда тутилган ва тегишили иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Пудратчи олдида куйидаги ҳолларда мулкий жавобгар бўлади ва:

- ишларни бажариш жадвалида белгилангандан кам хажмда ишларни бажарса , мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмидан хар кечикирилган кун учун 0.5% миқдорда пеня тўлади.

- Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмаганлиги учун Пудратчи , Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.5% миқдорида пеня тўлади, бунда пеня умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

- ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдорда бажарип тегишили тартибдаги маълумотлар билан ҳисббот ойининг охириги кунига қадар тасдиқлатмаса «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлади;

- ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдордан кам бажарса, бажарилмаган қисмининг 5% миқдорида жарима тўлади;

- объектни шартномада белгиланган муддатда тайёр ҳолда фойдаланишга топширмаса шартнома қийматининг 5% миқдорида жарима тўлади;

- Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи комиссияси томонидан аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ўн кундан ортиқ бўлмаган) муддатда бартараф қиласа ушбу аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлади.

46. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк хуқуқини ўзида сақлади. Объект Буюртмачига топширгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

47. Агарда томонлардан бири ўз реквизитларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон рақамларини, корхона атамаси ёки мақомини нотўғри берса ва ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотни уч календар кунда иккинчи тамонга ёзма хабар бермаса айбордor тамон иккинчи тамонга шартнома баҳосининг 0,1% миқдорида жарима тўлади.

48. Бир томоннинг айби билан шартномани бекор қилишга тўғри келса, айбордor тамон иккинчи тамонга барча заарларни қоплайди, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда.

49. Тамонларнинг мулкий жавобгарликка тортилиб тўлайдиган неустойка, штраф ва пенялари шартнома қийматининг 30% ошмаслиги керак.

50. Тамонлар неустойка, жарима, пеня каби мулкий талабларини далолатнома асосида тўлов талабномаси бўйича акцептсиз амалга оширишга хақлидир.

51. Муддати ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилинмайди.

### **XIII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.**

52. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки ўзгартиришда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган барча низоли масалаларни томонлар мухокама билан келишувга эришмасалар, у ҳолда улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда судга мурожат қилишлари мумкин.

#### XIV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

53. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

54. Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алохидаги кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи тамонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

#### XV. Коррупсияга қарши шартлашув

55. Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан кўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги конунчилик ва норматив хужжатларидаги Коррупсияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳакида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини кафолатлади. Истеъмолчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Таъминотчи корхонанинг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида харакат қилиб, Таъминотчи корхонанинг хамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги конунчилик ва норматив хужжатларининг Коррупсияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

56. Томонлар мазкур шартноманинг амал қилиш даврида ўз хукуклари ва мажбуриятлари билан боғлик равиша Ўзбекистон Республикасининг коррупсияга қарши курашишини тартибга солувчи конун хужжатлари нормаларини бузиш мумкин бўлган ҳар кандай хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларни қатъий эътироф этган холда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупсия холатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

#### XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

**БУЮРТМАЧИ:**

**ПУДРАТЧИ:**

“Урганч шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси”	Архитектор Курувчи» ҲҚ
Манзили: Урганч шаҳар Хонка кучаси 101 уй	Манзили: Урганч ш. Наврӯз МФЙ Фидокорлар Ітор кўчаси, 23-үй
Тел/факс: +99862-225-30-33	Тел/факс: 91-431-05-00
ш/хр: 100022860334017045201110036	х/р: 20208000804844132001
ИНН: 206943296 ИФУТ: 90290	ИНН: 301511122
Молия Вазирлиги Фазначилиги	ИФУТ: 301511122
Фазна х/в : 23402000300100001010	Банк: АТБ Ҳамкорбанк Урганч филиали
Банк : Марказий банк Тошкент ш XKKM	МФО: 01020
МФО : 00014 ИНН: 201122919	QURUVCHI" 2022

М.Ў.

А.Эрниязов

У.Рўзметов

	Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.
Imzolovchi F.I.SH.	ATOBEK ERNIYAZOV RUSTAMOVICH
Imzolangan sana	8 сен 2022 18:11
Hujjat kodi	NG2471150627
Hulosha kodi	UV8782362635

**"КЕЛИШИЛДИ"**

**Урганч шахар бүйнлийн мудирин**  
**Ж.Сапаев**  
**" " 2022 й.**

**"ТАСДИКЛАЙМАН"**

1

**2022 й.**

**Урганч шахар Замахшарий күчэс ичхи хүжалик йүлини жорий таьмирлаш ишигэртийн нарижавийн**

**МАНЗИЛИЙ ДАСТУРИ**

Т/Р Объекттарынг томи за жойлашган үрүн бондарчнынг	Күрнеш бондарчнынг за туталаш ийни	Лойиссай куватын төгүчин үзүүлэлт бэрлэснээрд а (км)	Гудраг шартномаси тузүүлийн вактига курьиншооңг үзүүлэлт кобьынти	Күрьиншнинг 2022 йил 1 яшар холатын жилийн капитал күйүнчилээр кайнамтн	2022 йил капитал күйүнчилээр хажмын шу жуулчлан								(МИНГ.СҮМ)			
					Бүртгэвчийнг харчагчларн				Инга тушигнаад игтан хувьнагар							
					КМИ (СМР)	Жами жилийн капитал күйүнчилээр	Лойисса сметы үзүүлэлтн учун	Экспертса хүлэсэлдэри үзүүлэлтн учун	Башха харчагчл яа	Лойиссаныг экспертсийн үзүүлэлтэн вактига тартыб рагамы	Таислов сандаларини үтказлаган вактига нарижавийн тасдисногарын тартыб рагамы	Таислов сандаларини үтказлаган вактига нарижавийн тасдисногарын тартыб рагамы				
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17
1	Урганч шахар Замахшарий күчэс иичи хүжалик йүлини жорий таьмирлаш ишилэри	2022 йил 1,414	0,0	0,0	843 678,0	828 778,0	14 900,0	14 900,0			1,414		1,414	15.08.2022 йил №- 56395	30.08.2022 йил №- 41858	"Архитектор Куруүчи" ХК
	<b>ЖАМИ:</b>	<b>1,414</b>	<b>0,0</b>	<b>0,0</b>	<b>843 678,0</b>	<b>828 778,0</b>	<b>14 900,0</b>	<b>14 900,0</b>	<b>0,0</b>	<b>1,414</b>	<b>1,414</b>	<b>1,414</b>	<b>1,414</b>			

**Урганч шахар хокими**  
**Үүринбоосын**  
**Н.Бабажанов**

**Урганч шахар "Ободонлаштириш"  
бондарчнынг" бошилиги**

**А.Эрнинязов**

" " 2022 йил

" " 2022 йил

"Утверждено

Заместитель города Ургенча

Н.Бабажанов

2022 г.

**ТИТУЛНЫЙ СПИСОК СТРОЙКИ**

**Раздел I. Основные данные по стройке**

1. Наименование и местонахождение стройки	Хоразм вилояти Урганч шаҳар Замахшарий кӯчаси йўлини жорий таъмиглаш (1,414км)		
2. Отрасль			
3. Инвестор			
4. Заказчик	Урганч шаҳар "Ободонлаштириш бошкармаси"		
5. Разработчики :			
5.1 ТЭО	"Хоразм йўл кўприк қурилиш" МЧЖ		
5.2 ПСД и/или ТД	Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги "шахарсозлик хужжатлари экспертизаси" ДУК Хоразм филиали		
5.3. Экспертизы			
6. Генеральный подрядчик	«Архитектор Курувчи» ХК		
7. Источник финансирования	Местный бюджет		
8. Срок начала и окончания строительства	2022 г		
9. Основные показатели стройки :	Всего	2022 г	
Мощность ( в соответс. Единицах измерения)	объект	объект	
Основные фонды	843 678,044	843 678,044	
Капитальные вложения	843 678,044	843 678,044	
Строительно - монтажные работы	828 778,044	828 778,044	
Оборудование и инвентарь			
Прочие работы и услуги	14 900,000	14 900,000	
Содержание службы заказчика			
Прогноз на 2022 год в соответствии с согласованным с Э и МФ адресным списком		В договорных ценах (тыс.сум)	
Мощность ( в соответс. Единицах измерения)		объект	
Основные фонды	843 678,044	843 678,044	
Капитальные вложения	843 678,044	843 678,044	
Строительно - монтажные работы	828 778,044	828 778,044	
Оборудование и инвентарь		0,000	
Прочие работы и услуги	14 900,000	14 900,000	
Содержание службы заказчика		0,0	

**Раздел II. Поквартальная разбивка прогноза на 2022 год (в текущих ценах, тыс.сум)**

	Всего на год	В том числе по кварталам:			
		I	II	III	IV
Ввод мощности	объект			объект	
Основные фонды	843 678,044			843 678,044	
Капитальные вложения	843 678,044			843 678,044	
Строительно - монтажные работы	828 778,044			828 778,044	
Оборудование и инвентарь	0,000			0,000	
Прочие работы и услуги	14 900,000			14 900,000	
Содержание службы заказчика	0,000			0,000	

Заказчик : А.Эрниязов

Подрядчик : У.Рўзметов

Хоразм вилояти Урганч шахар Замахшарий кўчаси йўлини жорий таъмирлаш (1,414км)

объекти ишлари бўйича танлов савдоларида ютиб олган нархи 2022 йил ойлар давомида ишларни бажариш

ЖАДВАЛИ

T/р	Ишлар тури ва номи	Жами молиялаштирилга н маблаг	2022 йил бўйича курилиш киймати								
			1 - чорак			2 - чорак			3 - чорак		
			январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябрь
1	Хоразм вилояти Урганч шахар Замахшарий кўчаси йўлини жорий таъмирлаш (1,414км)	828 778 044								828 778 044	
	ЖАМИ	828 778 044								828 778 044	



Буюртмачи : *Дионисий*

Хоразм вилолти Урганч шахар Замахшарий кўчаси йўлини жорий таъмирлаш (1,414км)  
савдоларида ютиб олган нархининг 2022 йил ойлари давомида молиялаштириши

ЖАДВАЛИ

T/p	Ишлар тури ва номи	Жами молиялаштирилга н маблаг	2022 йил бўйича курилиш киймати			
			4 - чорак			
		1 - чорак	январ	феврал	март	апрел
		3 - чорак	май	июн	июл	август
		4 - чорак	октябрь	сентябрь	ноябрь	декабрь
1	Хоразм вилояти Урганч шахар Замахшарий кўчаси йўлини жорий таъмирлаш (1,414км)	828 778 044				
	ЖАМИ	828 778 044				



Буортмачи : Донзаков